

**ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН  
ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ҚИЛИШДА ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИНИНГ ЎРНИ  
ВА БУГУНГИ КУНДАГИ МАВЖУД АЙРИМ МУАММОЛАР**

*Умаралиева Дилшодахон Набижоновна  
ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси ва криминология  
кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада, жазони ижро этиш тизимини такомиллаштиришда амалга оширилган ишлар, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, назорат остидаги шахсларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда Пробация хизмати фаолияти борасида амалга оширилаётган ишлар ва ҳозирги кундаги мавжуд айрим муаммолар ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:** инсон ҳуқуқлари, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо, жазони ижро этиш, пробация, ахлоқ тузатиш ишлари, назорат остидаги шахс, ижтимоий мослашиш, тарбиялаш .

**РОЛЬ СЛУЖБЫ ПРОБАЦИИ И НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ,  
СУЩЕСТВУЮЩИЕ НА СЕГОНЯШНИЙ ДЕНЬ В ИСПОЛНЕНИИ  
НАКАЗАНИЙ, НЕ СВЯЗАННЫХ С ЛИШЕНИЕМ СВОБОДЫ**

**Аннотация.** В данной статье рассматривается работа, проведенная по совершенствованию системы исполнения наказания, обеспечению защиты прав, свобод и законных интересов осужденных, повышению эффективности воспитательной работы по их нравственному исправлению, а также работа, проводимая в деятельности службы пробации и существующие в ней некоторые проблемы.

**Ключевые слова:** права человека, наказание, не связанное с лишением свободы, надзор, исполнение наказаний, пробация, исправительные работы, лицо, находящееся под надзором, социальная адаптация, воспитание.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг устувор ғоясига айланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш ҳамда адолатни қарор топтиришни давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирган, ушбу соҳада мутлақо янги халқаро ташаббуслар муаллифи бўлган давлат сифатида танилмоқда ва эътироф этилмоқда.

Мамлакатимиз қонун ижодкорлиги жараёнига илғор ғояларнинг кириб келиши ишлаб чиқарилаётган қонунларнинг сифатли ва самарадорлиги оширилишига, аҳолининг турмуш тарзи ва орзу истаклари яхлит ифодаланишига замин яратади<sup>1</sup>.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъозлаш биз барпо этаётган очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир. Бундай принцип асосий қонунимизда ҳам қатъий белгиланган.

Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида мужассам этилгани бежиз эмас. Ана шу принципни амалга ошириш учун сўнгги йилларда, инсон ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида, уларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилиб, доимий равишда такомиллаштирилиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 ноябридаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарорининг қабул қилиниши эса ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахсларни назорат қилиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштирилишига сабаб бўлди десак муболаға бўлмайди.

Ушбу қарор асосида, 2019 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этилишини назорат қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида вазирликнинг Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги Пробация хизмати ва тегишлича унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, маҳкумлар ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш, маҳкумлар онгида қонунга итоаткорлик хулқ-атворини, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидалари ва анъаналарига

---

<sup>1</sup>Худойбердиев А.Қ.,//Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини эксперт-таҳлилий таъминлашнинг моҳияти// Ўзбекистон ИИВ Академиясининг ахборотномаси.-Т.,2021.-№4.-Б.23-24

хурмат муносабатини шакллантириш тизимини такомиллаштириш, умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш, маҳкумлар, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлигини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш, жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, уларнинг озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган шахсларни ижтимоий мослаштиришда фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорлигини таъминлаш белгиланди.

Қарор ижросини самарали ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги “Пробация хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 316-сонли буйруғи қабул қилиниб, Пробация хизмати ташкилий тузилмаси ҳамда Пробация хизмати тўғрисида Низом тасдиқланди.

Пробация хизматининг асосий вазифалари кўрсатиб ўтилиб, вазифалардан бири сифатида, назорат остидаги шахсларнинг қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, уларнинг шахсини ижтимоий-психологик портретни тузган ҳолда ўрганиш эканлиги белгилаб қўйилди.

Жаҳон амалиёти жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш, қамоқхонада сақлаш билан уни тўғри йўлга қайтариб бўлмаслигини кўрсатди.

Шу боис жиноят содир этган шахс ёки жиноят содир этишга мойиллиги бўлганларни жазолаш масаласига янги, оқилона ечим топиш зарурати юзага келди. Тажриба ва ўрганишлар бундай инсонларни оила аъзолари, яқинлари, кенг жамоатчилик орасида бўлиши ижобий натижа бериши исботланди.

Олимлар томонидан мазкур тизимга оид турли фикрлар билдирилган. Жумладан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ёки қамоқдан озод қилинган жазоларга маҳкум этилганлар билан ишлаш фаолиятни (хизматларни) институционализация қилиш учун қўлланилади<sup>2</sup> деган тариф берилган.

Пробация бу ижтимоий ва ҳуқуқий назоратнинг бир шакли<sup>3</sup> эканлиги ҳақида ҳам фикрлар кўрсатиб ўтилган, шу билан бирга яна бир тарифда

---

<sup>2</sup> Дворянсков И.В., Россия ФСИН илмий-тадқиқот институти, Москва. Библиографик ёзувлар Габараев А.Ш., Новиков А.В. Россия Федерациясининг замонавий пенитенциар сиёсатида пробация институтини амалга ошириш истиқболлари / / фан ва таълимнинг замонавий муаммолари. – 2015. – № 2-2.

<sup>3</sup> <http://www.dissercat.com> —Пробация и ее перспективы в уголовном праве

Республики Казахстан|| тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук 2000 г. Гета, Максим Ростиславович

пробация – бу белгиланган жазони шартли равишда адо этмасдан маҳкумни муайян муддатга махсус мансабдор шахсининг (агент, ёрдамчи, пробация бўйича вакил) индивидуал назорати остида жойлаштиришдан иборат деб айтилади<sup>4</sup>.

Пробация маҳкумнинг хулқ-атворида шундай таъсир қилиши, у ўз жавобгарлигини англасин ва онгли равишда тузатиш йўлини тутсин - деган фикрлар ҳам мавжуд<sup>5</sup>. Айрим олимлар томонидан пробация хизмати деганда, шартли судланганлик шакли тушунилиб, бунда маҳкум озодликдан маҳрум қилинмасдан махсус органлар назорати остида бўлади, синов муддати ва унга қўйиладиган талаблар суд ҳукми билан белгиланади деб кўрсатишади<sup>6</sup>.

Пробация хизмати атамаси илмий муомалада ва умумий маънода қўллаш учун зарур, чунки у озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни ижро этиш субъектлари, маҳкумларни ахлоқан тузатишда иштирок этадиган ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий ва жамоат тузилмалари йиғиндисини тўлиқ белгилаш имконини беради<sup>7</sup>.

Юқоридаги таҳлил ва фикрлардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, **Пробация** – бу озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни ижро этишга қаратилган, пробация назоратидаги шахсларнинг шахсини ижтимоий ва психологик ўрганиш, уларда қонунга итоаткор хулқ-атвори ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширувчи, назорат остидаги шахсларни ахлоқан тузатиш ва ижтимоий мослашуви мақсадига эришишга қаратилган

---

<sup>4</sup> Тяжкова Кузнецова. Жазо ҳақидаги таълимот. - п. 785. Жиноят ҳуқуқининг кечиши. У.қисм/.-М.,- 2002

<sup>5</sup> Жаронкина И.,-национальный эксперт Проекта ЕС //«Поддержка реформ в сфере юстиции на Украине»//, г. Киев

<sup>6</sup> Исергепова А.К., ФГ казенное образовательное учреждение высшего образования //«Санкт-Петербургский университет Министерства внутренних дел Российской Федерации»// 12.00.09 – уголовный процесс Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. «Институт пробации в уголовном процессе: проблемы, Тенденции и перспективы развития (На Примере Стран-Участников Содружества Независимых Государств) Большой юридический словарь//<https://www.internetlaw.ru/dic/> (Д.обр:10.02.2018).

<sup>7</sup> Анваров Т.А., //Пробация хизмати фаолиятини умумий тавсифи: тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари// Akademik Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 9 | 2022 //<https://t.me/aresuz>. Б-64

тарбиявий-ахлоқий, педагогик-психологик, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа фаолият йўналишларини ўз ичига қамраб олган тузилмадир

**Илгари ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш инспекциясидан фарқли ўларок, Пробация хизмати ташкил этилгандан кейин ушбу соҳада бир қанча ўзгаришлар кузатилди.**

Авваллари, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларга, судлар тайинлаган жазоларнинг ижро этилиши ички ишлар органлари томонидан назорат қилиб борилган бўлса, ҳозирги кунда, яъни, айнан Пробация хизмати ташкил этилгандан буён жазоларни бажарилиши устидан назорат қилиш баробарида, ушбу тоифа шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ўқишга ва ишга жойлаштириш, назорат остидагиларга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш, энг асосийси, шахсни тарбиялаш масалаларига эътибор қаратилиб, ички ишлар органларида Пробация хизмати фаолияти ташкил этилибгина қолмасдан, қисқа муддат давомида уни янада такомиллаштириш, бу тизимнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш, назоратдаги шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди ва бу йўналишда тегишли қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилиб, доимий равишда такомиллаштирилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда пробация бўлими ходимлари томонидан, белгиланган вазифани амалга ошириш ва назоратда турган шахслар томонидан қайта жиноятларни олдини олиш мақсадида, назорат остида турган шахсларни 3 тоифага ажратиб, яъни,

- тузалиш йўлига ўтган;
- жиноят содир этишга мойил;

- ижтимоий хавфи юқори бўлган шахсларга ажратган ҳолда тарбиявий профилактик ишлар амалга оширилмоқда.

Тоифалар билан ишлашда, асосий эътибор, назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштиришга, уларни ўқишга ва ишга жойлаштиришга ҳамда қайта касбга йўналтиришга қаратилиб, назорат остидаги шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш борасида, ижтимоий психологик портрети тузилиб, шу асосида тарбиявий-профилактик таъсир чоралари олиб борилмоқда.

Олиб борилаётган профилактик ишлар давомида, назорат остидаги шахсларнинг оиласига кириб бориш, турмуш тарзи ва яшаш шароитларини ўрганиш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун беминнат ёрдам кўрсатиш орқали, назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш, тўғри ҳаётга қайтариш, содир этган жинояти учун чин кўнгилдан пушаймонлик ҳисини уйғотиш, уларни касбга ўргатиш, ўқитиш ва иш билан таъминлаш, ушбу тоифа

шахсларнинг дунёқарашида ҳуқуқбузарлик ва жиноятга қарши муносабатнинг шакллантириш асосий вазифа этиб белгилаб олинди.

Шу ўринда, ўтган 10 ой давомида (2022 йил) пробация бўлинмалари томонидан амалга оширилган ишларга рақамлар мисолида назар ташлайдиган бўлсак:

– ички ишлар органлари пробация бўлинмалари томонидан 67 851 нафар шахс назорат остига олинган бўлиб, шундан ахлоқ тузатиш ишларида – 23 800 нафар, шартли ҳукм қилинлар – 1 300 нафар, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар – 6 417 нафар, озодликни чеклаш – 15 497 нафар, мажбурий жамоат ишлари - 575 нафар ва шартли озод қилинганлар – 20 262 нафарни ташкил этади;

– кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган профилактик тадбирлар натижасида назорат остидаги 56 780 нафар шахслар ҳисобдан чиқарилди;

– назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштиришга, уларни ўқишга ва ишга жойлаштиришга ҳамда қайта касбга йўналтиришга асосий эътибор қаратилди. Хусусан, назорат остидаги шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш борасида 42 904 нафарини ижтимоий психологик портрети тузилиб, шу асосида тарбиявий профилактик таъсир чоралари олиб борилмоқда;

– назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш бўйича бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда 1198 маротаба —Ишга марҳамат тадбирлари ташкил этилиб, улардан 5 484 нафари ишга жойлаштирилди ва 376 нафари қайта касбга ўқитилди;

– назоратдагиларни ижтимоий мослаштириш ва ёрдам кўрсатиш масаласида мутасадди идора ва ташкилотларга 1713 та тақдимномалар киритилди;

– Ўтказилган сайёр судлар 1322 тани ташкил этиб, ўзининг қонунларга итоаткорлиги ва меҳнатга бўлган ижобий муносабати билан қатъий тузалиш йўлига кирган 19 636 нафар назоратдаги шахслар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан жазодан муддатидан илгари шартли озод этилди;

– назорат остидаги шахслар билан 837 164 маротаба учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиб, 33 214 нафар назорат остидаги шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий масалалар бўйича ёрдам кўрсатилди, жумладан: 28 416 нафарига ҳуқуқий йўналиш бўйича; 49 нафарига уй жой билан таъминлаш; 1121 нафарига идентификацияловчи ID карта(паспорти) олинишида, 3532 нафарига моддий ёрдам олишида, 45 нафарига ногиронлик нафақасини олишида, 51 нафарига ёшга доир нафақа олишида, 1666 нафарига тиббий-психологик ёрдам олишда,

245 нафар 18 ёшга тўлмаган назорат остида турган шахсларни умумтаълим олишини ташкиллаштириш масалалари бўйича ёрдамлар кўрсатилган.

Лекин пробация фаолиятида ҳали ҳам етарлича ижобий натижага эришилгани йўқ яъни ушбу тизим фаолиятини ташкил этишда бир нечта муаммолар мавжуд.

Ушбу муаммолардан бирини 2022 йилнинг 10 ойи давомида пробация назоратида турган 75611 нафар шахслардан 589 нафари томонидан қайта жиноят содир этилганлигидан ҳам кўриш мумкин.

Шахснинг тўла ахлоқан тузалиши ҳамда қайта ижтимоийлашуви учун уларга иш топишга кўмаклашиш, уй-жой муаммосини қисман ҳал қилишнинг ўзи етарли эмас. Сабаби назорат даврида назоратдаги шахсларни ишга жойлаштиришга қаратилган ҳар хил тадбирлар ташкил этилиб, уларни ишга жойлаб қўйилгани билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди.

2022 йилнинг 10 ойи ҳолатига Пробация хизматида назорат остида турган шахслардан, 589 нафари томонидан қайта жиноят содир этилиб, жазо турлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 394 нафари ахлоқ тузатиш ишлари жазосини, 167 нафари озодликни чеклаш, 14 нафари шартли ҳукм ва 2 нафари муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахслар томонидан ва 12 нафари жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар томонидан содир этилган. Ушбу шахслардан 417 нафари иш билан банд бўлганлар ва 172 нафари иш билан банд бўлмаган назоратдаги шахсларни ташкил этмоқда.

Аксарият ҳолларда назорат остидаги шахслар ўзлари жойлашган ишларини олиб кета олмайди, сабаби жамиятимизда собиқ маҳкумларга нисбатан салбий муносабатда бўлиш ҳолати ҳали ҳам бартараф этилмаган. Бунинг устига, меҳнат қонунчилигимизда қатъий таъқиқлаб қўйилганига қарамай иш берувчилар томонидан уларнинг жазони ўтаб чиққанлиги муносабати билан камситиш ҳолатлари ҳали ҳам бартараф этилмаган. Аслида иш берувчилар жазони ўтаб чиққан маҳкумларни ишга олишдан ўзларини тийиш ҳолати бутунлай камситишдан далолат бермайди. Бу ҳолат маҳкумларнинг бу соҳада етарлича мутахассисликка эга эмасликларидан ҳам келиб чиқади, шунинг учун пробация назорати остидаги шахсларни иш билан таъминлаш ва иш жараёнида алоҳида назорат тури ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Бу чоралар кўплаб маблағни талаб қилиши мумкин, лекин шахснинг такроран жиноят содир этгандаги келиб чиқадиган оқибатлар билан солиштирганда давлат маблағдан икки баробар ютиши мумкин, яъни қайта жиноят содир этилганда, аввало, қонун билан кўриқланадиган маълум бир ижтимоий муносабатга путур етади, бундан ташқари, тергов, суд ҳаражатлари ҳамда шахс озодликдан маҳрум этилганидан сўнг унга нисбатан жазони ижро этиш давомида сарфланадиган ҳаражатлар, маҳкумларни иш билан

таъминланишини ташкил этиш, уларга махсус тартиб жорий этиладиган иш жойларини ташкил этишга кетган харажатлардан икки баробар ошиб кетиши мумкин.

Бундан ташқари, ойда бир марта жазони ўтаб чиққан шахсларни бир жойга йиғиб турли тадбирлар ўтказиш ҳам етарлича ижобий самара бермайди, чунки бу каби тадбирлар ҳали жиноят содир этмаган шахслар учун профилактик чора сифатида ўтказилганида ҳам мазкур шахсларга етарлича таъсир қилишига ишониш қийин. Шунинг учун бу каби тадбирлар маҳкумларни тарбиялаш, ахлоқан тузатиш ҳамда қайта жиноят содир этишининг олдини олишга қаратилаган чоралардан бири сифатида қолдирилиши мумкин, лекин асосий эътибор юқори малакали психологларни жалб қилган ҳолда маҳкумлар билан индивидуал тарзда психологик ишлашга қаратилиши лозим. Айнан шу йўл билан маҳкумларни қонунга итоаткор фуқаро сифатида қайта шакллантиришга эришиш мумкин<sup>8</sup>.

Барчага маълумки, пробация хизмати президент қарори билан ташкил этилган бўлиб, мазкур қарорда хизматнинг асосий вазифалари ҳамда ташкилий-ҳуқуқий тузилиши асослари келтирилган, лекин пробация хизмати тўғрисида алоҳида норматив ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

Ушбу таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг «Пробация тўғрисида»ги Қонунини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Ҳар қандай тузилма самарали ишлаши учун, аввало, унинг ҳуқуқий асоси мукамал ишлаб чиқилиб, ушбу Қонун билан пробация хизматини ташкил этиш, унинг фаолият йўналиши, пробация хизмати тушунчаси, мақсади, вазифалари, принциплари, турлари ва шакллари, шунингдек мазкур хизмат татбиқ этилаётган шахслар доираси ҳамда уни амалга оширувчи шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати белгиланиши лозим.

Қонунининг асосий мақсади:

- маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва постпенитенциар қайта тикланиши учун шартшароитлар яратиш;
- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларнинг такроран жиноят содир этишининг олдини олиш этиб белгиланиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги босқичда жазони ижро этиш тизими таҳлили унинг инсонпарварлик тамойили асосида олиб борилаётганлиги, маҳкумнинг инсоний қадри, қиммати ва шаъни тан олиниши, унинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари тўлақонли қафолатланиши алоҳида эътироф этилмоқда.

---

<sup>8</sup> Абдусамиева Д.А. //Маҳкумлар ижтимоий мослашувини амалга оширишда пробация хизматининг аҳамияти//. Юриспруденция илмий-амалий журнал. –Т., 2022 й. №3., -Б.30.



Ҳуқуқий давлатда пробацация хизмати, унинг вазифалари ва ваколатлари мутлақо янги талқинда ташкил этилиши лозим. У том маънода ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга айланиши шарт, яъни унинг бутун фаолияти тўла-тўқис фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза этишга қаратилиши лозим. Шу орқали, пробацация органи давлат ҳокимиятини эмас, қонун устуворлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади.

Хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, Японияда 1950 йилда «Кўнгилли пробацация хизматчиси» акти, Россия Федерациясида 2015 йилда «Пробацация тўғрисида»ги қонун, Молдова Республикасида 2008 йилда «Пробацация тўғрисида»ги қонун, Қозоғистон Республикасида 2016 йилда «Пробацация тўғрисида»ги қонун қабул қилинган.

Ривожланган хорижий давлатларнинг пробацация хизмати фаолияти ўрганилганда, уларда асосан тўрт шаклдаги пробацация хизматлари мавжудлиги аниқланган.

**Судгача пробацация** - (*Буюк Британия, Венгрия, Словакия*) суд томонидан ҳукм чиқарилаётганда ҳисобга олинган муайян жиноятчининг психологиясини ўрганиш ва унинг ижтимоий хусусиятларини ўрганишдан иборат. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, жиноий жазони истисно қилувчи энг инсонпарвар чора судгача бўлган пробацация ҳисобланади. Ушбу чора Италияда фаол қўлланилади ва 8 ойгача иш юритишни тўхтатиб туриш ҳисобланади. Ушбу даврда вояга етмаганлар кўпинча маҳаллий черков томонидан ташкил этилган реабилитация ва таълим дастурлари ва лойиҳаларига ташриф буюришади.

Пробацация хизмати судгача пробацацияга тортилган шахс мурожаат қилган кундан бошлаб ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг индивидуал дастурини тайёрлайди ва унинг бажарилишини таъминлайди.

Судгача пробацацияга тушган гумонланувчилар тоифаси алоҳида белгиланган бўлиб, улар, вояга етмаганлар, ногиронлар, 58 ёш ва ундан юқори, уч ёшга тўлмаган ёш болалари бўлган аёллар ва ҳомиладор аёллар, 63 ёшдан катта эркеклар ва ёлғиз уч ёшга тўлмаган ёш болаларни тарбиялаётганлардан иборатдир.

**Пенитенциар пробацация** (*АҚШ, Швеция, Латвия*) – жазони ўташнинг якуний босқичида маҳкумни озодликка тайёрлаш мақсадида уни қайта ижтимоий тузатиш бўйича пенитенциар муассасалардаги тадбирлар мажмуасини ташкил этади.

Мазкур пробацация жазони ижро этиш (пенитенциар) тизими муассасаларида озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларни қайта ижтимоийлаштириш бўйича чора-тадбирларни аниқлаш ва амалга ошириш

бўйича чора-тадбирлар кўради. Қамоқ жазосини ўташга бир йил қолган маҳкумлар ушбу тоифага киради.

**Ижроия пробация** (*Австрия, Буюк Британия, Венгрия, Хитой, Латвия, Нидерландия, Словакия, АҚШ, Франция, Финляндия, Швеция, Швейцария, Эстония, Япония*) озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахсларни назорат остига олиш ҳамда суд томонидан унга юклатилган вазифаларни бажармаганлиги учун уни пробация назоратини бекор қилиб, жазони ҳақиқатдан ўташи учун қамоқхонага юбориш ваколатига эга.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар устидан назорат функцияларини амалга ошириш билан бир қаторда, уларни (*шартли ҳукм қилинганлар, озодликни чеклаш жазосини суд залидан келган шахслар ва жазони ижро этиш муассасаларидан жазони енгилроғи билан алмаштирилган шахслар*) ижтимоий мослашувини ташкиллаштиради.

**Постпенитенциар пробация.** (*Австрия, Буюк Британия, Венгрия, Хитой, Латвия, Нидерландия, Словакия, АҚШ, Франция, Финляндия, Швеция, Швейцария, Эстония, Япония*) жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни жамиятга қайта мослаштиришдан иборат. Шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилинганларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам олишда, шунингдек уларга нисбатан маъмурий назоратни маҳаллий полиция хизмати инспекторлари амалга оширишда ёрдам беради.

Пробация хизмати ушбу шахсларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам олишда амалий ёрдам кўрсатади.

Бизнингча, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган пробация хизмати фаолиятида, пробация турларидан ижроия пробация ва постпенитенциар пробация шаклларни ўз ичига қамраб олган, пробация фаолияти амалга оширилиши лозимлигини инобатга олиб, тузилмани шакллантириш лозим. Бунинг учун, қуйидаги қонунлар ишлаб чиқилиши ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз:

— *Пробация тўғрисида Қонун;*

— *Ушбу Қонун ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори;*

— *Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Жиноят ижроия кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа.*

Демак, пробация моҳиятини тушунишга оид фикр ва муаммоларининг таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

Ўзбекистонда пенитенциар тизимнинг ўрни ва аҳамияти бутунлай ўзгариши лозим. Жумладан, янгидан тузилган пробация хизмати том маънодаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига айланиши керак. Бу пробация тузилмасининг фаолияти тўлалигича фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилиши лозимлигини англалади.